

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ рўя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,5% пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.2. « Етказиб берувчи » «Харидор»га махсулотларни ўз вақтида етказиб берилмаган хар куни учун махсулот баҳосидан 0,5% пеня тўлайди.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5% миқдорда пеня тўлайди.
- 7.4. Тегиншли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, « Етказиб берувчи » 5% миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган хар бир кун учун маблаг миқдоридан 0,4% пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. « Етказиб берувчи » оморидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун « Етказиб берувчи » га оморда сакланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5% миқдорда жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низонни ҳал қилиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 10.2. Шартноманинг тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар


- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____
- 11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«ХАРИДОР»

Хоразм вилоят «Матбуот тарқатувчи» ШК	Хазорасп тумани БУСМ
Манзил: Хазорасп т. А.Навоий кучаси 1 уй	Манзил: Мухоммад тумани
х/р: 20208000100350558018	х/р: 400122860332207083610245001
ТИФ Миллий банк Хазорасп филиали	ИНН: 207005544
МФО: 00860	ОКОНХ: 92100
ИНН: 200405573	Ҳазначилик номи Молия Вазирлиги Ягона
ОКОНХ: 71210	Ҳазна Ҳисобварағи
Тел: 606-04-35 94-237-60-10,	Ҳазна х/в: 23402000300100001010
	Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ
	МФО: 00014
	Ҳазначилик ИНН: 201122919



_____ **Ғ. Шарипов**
(ИМЗО) (Ф.И.О)
_____ **Ғ. Шарипов**
(ИМЗО) (Ф.И.О)



_____ **А. Юсупов**
(ИМЗО) (Ф.И.О)
_____ **А. Юсупов**
(ИМЗО) (Ф.И.О)